

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**510 Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 5 октябрь,  
77-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги  
77-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 65-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 1030-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджет-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

дан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси бўлими деб юритилади) томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирмаларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирмалар:

суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкӣ ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

Пенсия жамғармаси бўлимининг қарорига биноан — пенсионер ёки нафақа олувчига унинг томонидан қилинган суиистеъмомликлар оқибатида (қасдан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

2. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан мазкур Йўриқноманинг 1-бандида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

3. Мазкур Йўриқноманинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган асослар бўйича чегирмалар пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар (бундан буён матнда пенсия ва нафақалар деб юритилади) тўланиши лозим бўлган пулнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Пенсионер ёки нафақа олувчи қарздорликни қоплаш учун унинг ёзма аризасига мувофиқ пенсия ва нафақалар суммаларини кўпроқ миқдорда, шу жумладан тўлиқ миқдорда йўналтириш ҳуқуқига эга. Пенсионер ёки нафақа олувчининг ёзма аризасида у томонидан белгиланган фоиз кўринишидаги миқдор ёки қатъий сумма кўрсатилади.

Пенсионер ёки нафақа олувчи янги ёзма ариза тақдим этиш орқали қарздорликни қоплашга йўналтириладиган суммалар миқдорини ўзгартириши мумкин.

4. Пенсия ва нафақалардан чегирмалар пенсия ва нафақа тўлаш учун қайдномаларни шакллантиришда ўтган ойнинг 25-санасига қадар келиб тушган (қабул қилинган) ижро ҳужжатлари ёки Пенсия жамғармаси бўлими томонидан қабул қилинган қарор бўйича амалга оширилади.

5. Бир нафар пенсионер ёки нафақа олувчига нисбатан бир нечта ижро ҳужжатлари келиб тушганда пенсия ва нафақалардан чегирмалар Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 80-моддасига мувофиқ навбат тартибида амалга оширилади.

Бунда мазкур Йўриқноманинг 1-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган асослар бўйича пенсия ва нафақалардан чегирмалар Пенсия жамғармасига тўланадиган талаблар ҳисобланиб, биринчи навбатда қаноатлантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 79-моддаси иккинчи қисмига асосан ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади.

Ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.

1-мисол.

Пенсия жамғармаси бўлимига пенсионернинг коммунал тўловлар бўйича қарздорлигини қоплашга доир ижро ҳужжати келиб тушди. Шу билан бирга Пенсия жамғармаси бўлими томонидан унинг қарорига мувофиқ пенсиядан пенсионер томонидан ишга жойлашганлигини яшириш оқибатида ортиқча тўланган суммалар бўйича юзага келган қарздорликни қоплаш учун пенсия суммасининг 30 фоиз миқдорида чегирма амалга оширилиб келинмокда. Бу ҳолатда Пенсия жамғармаси бўлимининг қарори асосида Пенсия жамғармасига тўланадиган талаблар биринчи навбат талаби, коммунал тўловлардан қарздорлик эса бешинчи навбат талаби эканлигини ҳисобга олган ҳолда, тегишлича Пенсия жамғармаси бўлими қарори асосида чегирмалар пенсия суммасининг 30 фоиз миқдорида, ижро ҳужжати бўйича эса 20 фоиз миқдорида амалга оширилади.

2-мисол.

Пенсия жамғармаси бўлимига биринчи навбат талаби ҳисобланган икки фарзанд учун алиментлар ундириш бўйича пенсиядан чегирма қилиш юзасидан ижро ҳужжати келиб тушди. Мазкур ҳолатда пенсиядан чегирма қуйидаги тартибда тақсимланади: ижро ҳужжати бўйича чегирма пенсия суммасининг 33 фоиз миқдорида, Пенсия жамғармаси бўлими қарори асосида эса 17 фоиз миқдорида.

**2-боб. Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкый ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ва бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлари асосида пенсиялардан чегирмалар қилиш**

6. Мазкур Йўриқноманинг 1-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган асос бўйича пенсия ва нафақалардан чегирмалар қилиш тўғрисида ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан бевосита пенсионер ёки нафақа олувчи ҳисобда турган Пенсия жамғармаси бўлимига чегирма қилиш ва чегириб қолинган суммаларни қарздор ҳисобидан ундирувчига кўчириб бериш қарори илова қилинган хат билан юборилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам юборилиши мумкин.

7. Пенсия ва нафақалардан чегирма қилиш тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига келиб тушган хужжатлар Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи масъул ходими томонидан кўриб чиқилади ва ижрога қабул қилинади.

8. Масъул ходим бир иш куни давомида ижро хужжатида кўрсатилган пенсионер ёки нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исмини, шунингдек ижро хужжати ва талабномадаги яшаш манзили ва суммани ўзаро солиштиради.

Ижро хужжатини ижро учун қабул қилиш имконияти бўлмаган ҳолатда Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи ижро хужжатини расмийлаштирган ваколатли органга сабабини (ижро хужжатини расмийлаштириганда хатоликни аниқлаганда, чегирмаларни кўчириб ўтказиш учун ундирувчи ҳақида тўлиқсиз маълумот мавжуд бўлганда, ижро қилиш жойи бўйича ижро хужжати тақдим этилмаганда) кўрсатган ҳолда хужжатларни уч иш куни давомида қайтаради.

9. Чегирмаларни кўчириб бериш ижро хужжатида талабномада кўрсатилган манзил асосида амалга оширилади. Чегириб қолинган суммалар ундирувчига кўчириб бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда қарздор ҳисобидан амалга оширилади. Пул ўтказмаларини кўчириб ўтиш учун ҳақ пенсия, нафақа, компенсация ва бошқа тўловларни тўлаш хизматлари учун Пенсия жамғармаси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тариф бўйича ундирилади.

### **3-боб. Пенсия жамғармаси бўлими қарорлари асосида пенсия ва нафақалардан чегирмалар қилиш**

10. Пенсия ва нафақалардан чегирмалар пенсионер ёки нафақа олувчига унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасдан нотўғри хужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида ортиқча тўланган суммалар бўйича Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) қарори асосида амалга оширилади.

Комиссия қарори лойиҳаси Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи томонидан тайёрланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлаш ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2657, 2015 йил 5 март) 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилиб, унда суммаларни тўловчи (пенсионер ёки нафақа олувчи), ортиқча тўлашнинг сабаби ва даври, чегирманинг ҳар ойлик суммаси ёки фоизи кўрсатилади.

11. Суиистеъмоллик деганда пенсионер ёки нафақа олувчининг пенсия

ва нафақалар суммаларини ортиқча олишга қаратилган ҳаракатлари тушунилади.

Ҳисоблашдаги хато деб пенсия ва нафақаларни ҳисоблашдаги арифметик ҳаракатлар (қўшиш, айриш, бўлиш, кўпайтириш) билан боғлиқ хато, дастурий таъминотга маълумотларни киритишдаги механик хато, шунингдек, дастурий таъминот ишидаги бузилиш оқибатидаги хато тушунилади.

Техник хато деб дастурий таъминотга маълумотларни нотўғри киритиш билан боғлиқ хато эътироф этилади. Бундай хато деб, шунингдек пенсия таъминотига оид имтиёзларни қўллашда нотўғри шарҳлаш (услубий китоб, қўлланма ва кўрсатма хатлар фойдаланган ҳолда), пенсия ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш ҳақини қайта ҳисоблашда коэффицентларни нотўғри танлаш, пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни нотўғри кўрсатиш, пенсия ва нафақаларни икки маротаба ўтказиб юбориш, бир давр учун бир нечта асосларга кўра тўлашни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоб-китоб қоидаларига риоя этмаслик ҳам тушунилади.

12. Комиссия қарори асосида чегирмалар қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида — 10 фоиз;

қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жойлашганлигини яшириш — 30 фоиз;

энг кам иш ҳақининг икки баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича — 5 фоиз (мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан ташқари).

Чегирма миқдори суд қарори билан белгиланган ҳолатларда, чегирма суд қароридан белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Пенсия (нафақа)дан ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар суммасини ундириш ҳақидаги комиссия қарори юзасидан юқори органга ва (ёки) судга шикоят қилиш мумкин.

Судга даъво аризаси киритилганда чегирма қилиш тўғрисидаги комиссия қарори тўхтатиб турилади.

14. Пенсия (нафақа)дан ортиқча тўланган суммалар бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда пенсия ва нафақалардан чегирмалар пенсионер (нафақа олувчи) вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия ва нафақалар суммалари, шунингдек ижтимоий (пенсия) таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузилмаган Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги давлатга доимий яшаш учун жўнаб кетишгача олти ой аввал бериладиган пенсия суммаларидан ҳам амалга оширилади.

15. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда пенсия ва нафақалар тўлаш тўхтатилганда қолган қарз суд тартибида ундирилади.

**4-боб. Пенсия ва нафақалардан чегирмалар қилиш  
тўғрисида ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш**

16. Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақа тўлови мониторинги гуруҳи мазкур Йўриқноманинг 1-бандида кўрсатилган асослар бўйича амалга оширилаётган пенсия ва нафақалардан чегирмаларни пенсия ва нафақалардан чегирма қилиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли органнинг кўрсатмаси бўлмаса камайтириш ёки кўпайтириш, шунингдек тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга эмас.

17. Барча чегирмаларни ҳисоблаб чиқаришда қайта ҳисоблашларда аниқланган пенсия ва нафақалар қўшимчалари суммалари ҳам киритилиши лозим. Агар, пенсия ёки нафақа миқдори камайтирилса, тўланган суммалар жорий ойда чегирма қилинишида ҳисобга олинishi мумкин эмас.

3-мисол.

Жорий ойда пенсионерга тўланиши лозим бўлган пенсия ва нафақа суммаси 500 000 сўмни ташкил этади. Ушбу пенсия йиғмажилди бўйича 25 фоиз миқдорида алимент чегириб қолинмоқда.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш натижасида ўтган ойлар учун 1 200 000 сўм миқдорида тўланмай қолган пенсия аниқланди. Ушбу ҳолатда алиментларни олинмай қолган суммаларни ҳисобга олган ҳолда яъни 1 700 000 (500 000 + 1 200 000) сўмдан аниқлаш лозим бўлади. Шундай қилиб, чегириб қолинадиган алиментлар суммаси 425 000 сўмни, пенсионерга тўланган сумма эса 1 275 000 сўмни ташкил этади.

4-мисол.

Жорий ойда пенсионерга тўланиши лозим бўлган пенсия ва нафақа суммаси 500 000 сўмни ташкил этади. Ушбу пенсия йиғмажилди бўйича 25 фоизи миқдорида алимент чегириб қолинмоқда. Пенсия (нафақа)ни қайта ҳисоблаш асосида Пенсия жамғармаси бўлими комиссияси қарорига асосан 100 000 сўм миқдорида ортиқча тўланган сумма аниқланди.

Ушбу ҳолатда чегирма қилинган алимент суммаси 500 000 сўмдан 25 фоизни яъни 125 000 сўмни ташкил этади. Қолган 375 000 (500 000 — 125 000) сўмдан ортиқча тўланган сумма 100 000 сўм чегириб қолинади. Шундай қилиб пенсионерга 275 000 сўм тўланади.

18. Ижро ҳужжатлари қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар ҳисобланади ва Пенсия (ижтимоий нафақа)дан чегирмалар тўғрисида ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади.

19. Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақа тўлови мониторинги гуруҳи пенсионернинг ёки нафақа олувчининг яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ўзгарганлиги тўғрисида маълумот олганда Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақа тўлови мониторинги гуруҳи пенсия йиғмажилдини унда ортиқча тўланган пенсия ва нафақаларнинг қолдиқ суммасини кўрсатган ҳолда пенсионернинг ёки нафақа олувчининг янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига юборади.

Ижро ҳужжати нусхаси пенсионернинг ёки нафақа олувчининг аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимида қолади, асл нусхаси эса

пенсионернинг ёки нафақа олувчининг янги яшаш жойини кўрсатган ҳолда ижро хужжатини юборган тегишли органга қайтарилади.

20. Агар пенсионер ёки нафақа олувчи Ўзбекистон Республикасидан ташқарисига доимий яшаш учун кетганда ижро хужжати хужжатни қайтариш сабабини кўрсатган ҳолда илова қилинган хат билан суднинг топшириғига асосан ижро хужжати ҳисобга олинган жой бўйича уни юборган тегишли органга, у мавжуд бўлмаганда эса ижро хужжатини ёзиб берган судга юборилади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақа тўлови мониторинги гуруҳи томонидан пенсия ва нафақалардан чегирмалар қилиш масалалари бўйича юқорида кўрсатилган манзилларга юбориладиган хатлар нусхалари суд органлари билан ёзишмалар йиғмажилдига тикиб борилади.

Пенсионернинг давлат олдида у томонидан содир этилган суистеъмоликлар (қасддан нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган хужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши бўйича қарздорлиги мавжуд бўлганда пенсияга оид хужжатлар йиғмажилди етказилган зарар тўлиқ қоплангандан сўнг берилади.

21. Ижро хужжати бўйича ундирилишни тамомланиши (кўрсатилган сумманинг тўлиқ ундирилиши, ижро хужжатини юборган орган томонидан қайтариб олинishi ёки суд томонидан белгиланган муддат бўйича алиментларнинг ундирилиши) юзасидан Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи масъул ходими пенсионернинг ёки нафақа олувчининг шахсий карточкаси бўйича амалга оширилган чегирмаларнинг тўғрилигини текширади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи масъул ходими пенсионернинг ёки нафақа олувчининг шахсий карточкасида ижро хужжатида чегирма қилинган сумма ёки чегирма амалга оширилган санани кўрсатган ҳолда амалга оширилган ундиришлар тўғрисида белги қўяди, уни имзо билан тасдиқлайди, ижро хужжатини юборган суд ёки бошқа органга илова хатини расмийлаштиради, ва Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи раҳбарига текшириш учун тақдим этади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи раҳбари чегирмалар ёпилишининг асослилигини ва хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади.

Ижро хужжати Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи имзоси ва Пенсия жамғармаси бўлими муҳри билан тасдиқланади ҳамда масъул ходимга қайтарилади.

22. Ундириш тўлиқ амалга оширилган ижро хужжатлари ижро хужжатини юборган тегишли органга қайтарилади.

Суд томонидан ижро хужжатларини қайтариш бўйича бошқача тартиб белгиланган бўлса, қайтариш суд кўрсатмасига асосан амалга оширилади.

Ижро ҳужжати қайтариб олинган ҳолатда эса уни қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли органга қайтарилади.

23. Пенсия ва нафақаларни тўлаш қуйидаги сабабларга кўра тўхтатиб турилганда (тўхтатилганда):

пенсия (нафақа) тайинлаш шартлари қайта кўрилганда — ижро ҳужжати (ариза) Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳида тўлов учун янги ҳужжат келиб тушгунга қадар сақланади;

пенсия ва нафақа тўлаш тўхтатилганда (пенсионер ёки нафақа олувчи вафоти, тайинланган пенсия (нафақа)га ҳуқуқи йўқолганда, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кетганда) — Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи ижро ҳужжатини уни юборган органга қайтаради;

пенсионер ёки нафақа олувчи ишга жойлашган тақдирда — Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи ижро ҳужжатини уни юборган органга қайтаради;

ногиронлик пенсияси ва нафақасини тўлаш муддати тугаганда — ижро ҳужжати (агар унинг амал қилиш муддати тугамаган бўлса) Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳида пенсия (нафақа) тўлаш учун янги ҳужжат келгунга қадар сақланади.

Агар ногиронлик пенсияси ва нафақасини тўлаш муддати тугаган кундан бошлаб икки ой ичида янги ҳужжат қабул қилинмаса, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи ижро ҳужжатини уни юборган органга қайтаради.

### **5-боб. Яқуний қоида**

24. Мазкур Йўриқнома талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.